

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мухитдинов Шухрат Зиявитдинович,
НамМТИ таянч докторанти
E-mail: shuhrat_uzb@bk.ru

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда қишлоқ хўжалиг соҳасида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда кўп тармоқли фермер хўжаликларини бошқаришнинг илмий ва назарий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда хўжалик юритиш тамойиллари ва кўп тармоқли фермер хўжалигида бошқарув фаолиятини амалга ошириш босқичлари илмий асослари келтирилган.

Annotation: The article analyzes the scientific and theoretical foundations of multidisciplinary management of agriculture in the agricultural sector of the country. In addition, in the organization of diversified agriculture, the principle of economic management and the scientific foundations of the stages of management in a diversified economy are presented.

Аннотация: В статье анализируются научные и теоретические основы многодисциплинарного управления сельским хозяйством в сельскохозяйственном секторе страны. Кроме того, в организации многопрофильного сельского хозяйства представлен принцип хозяйственного управления и научные основы этапов управленческой деятельности в многопрофильном хозяйстве

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқариш, кўп тармоқли фермер хўжалигининг асосий фаолияти, хўжалик юритиш тамойиллари, бошқарув фаолияти ва уни амалга ошириш босқичлари.

Кириш

Аграр соҳа иқтисодиёти мамлакатимиз тараққиётининг иқтисодий асосини катта қисмини ташкил этади. Соҳа корхоналарида мамлакат миллий бойлигининг тенг ярми шаклланади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотлар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ислохотлар кўп укладли аграр иқтисодиётни шакллантириш ва шу асосида бозор муносабатларини мустаҳкамлаш, соҳада соғлом иқтисодий рақобат муҳитини яратиш орқали мавжуд ер-сув, моддий - техника базаси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишида олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш масаласига катта эътибор берилди. Фермер хўжаликларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель) ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель) қонунлари билан мустаҳкамланиб қўйилди. Мазкур қонунлар асосида кейинги ўринларда қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ижроси амалда қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2004 йил 26 августда янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига асосан эса, «Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект» [1] деб юритила бошланди.

Фермер хўжалиги фаолиятини самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва чекка қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган баробарида айна вақтда фаолият кўрсатиб келаётган фермер хўжаликлари босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилмоқда.

Мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятини йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478-сонли фармони [2] ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур фармонда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда томчилатиб суғоришни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш белгиланган.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [3] тасдиқланди. Ушбу фармонда 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фермер фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари бекор қилиш қайд этилган.

Мазкур фармон ва қарорлар келгусида республикада кўп тармоқли фермер хўжаликларини йўлга қўйиш, уларда меҳнат унумдолигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, 2022 йилдан бошлаб барча фермер хўжаликлари кўп тармоқли фермер хўжалиги номи остида тўлиқ қувват билан фаолият кўрсатишга замин яратмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кўп тармоқли фермер хўжалиги нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш балки етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш орқали тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ички ҳамда ташқи бозорни тайёр озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиради, чекка қишлоқ жойларида қўшимча сервис ва хизмат кўрсатувчи фаолиятни амалга оширади.

Қишлоқ хўжалиги ҳамда агросаноат соҳасида ишлаб чиқариш ва сервис хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув назарияси бўйича хорижлик ва Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва илмий-назарий ҳамда амалий хулосалар шакллантирилган.

Академик С.С.Ғуломовнинг фикрича “Ишлаб чиқаришни бошқариш – бу фаол, онгли, режали меҳнат фаолиятидир. Бошқача қилиб айтганда менежментга бўлган талаб меҳнаткашларни биргаликда меҳнати бор жойда пайдо бўлади” [4].

Иқтисодчи олим О.А.Сайдахмедовнинг тадқиқотига кўра ишлаб чиқариш муҳитида бошқариш фаолиятининг асосий мақсади – бу, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори фойда олишдир. Фойда олиш эса:

- ишлаб чиқариш ходимларидан фойдаланиш самарадорлигига;

- инвестиция самарадорлигига;
- маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигига;
- тез ва самарали қарорлар қабул қилинишига;
- янги техника ва технологиянинг жорий қилиниш даражаси каби қатор

омилларга боғлиқдир [5]. Албатта кўп тармоқли фермер хўжалиги негизида етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш ва қолаверса хизмат кўрсатиш соҳасини йўлга қўйиш назарда тутилади. Мазкур соҳани самарали фаолият кўрсатиши учун бошқарув сир асрорларини бўлиш муҳим ҳисобланади.

Яна бошқа бир қатор олимларнинг тадқиқотига кўра қишлоқ хўжалигида менежментнинг асосий вазифаси жамият ривожланишининг объектив қонунлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ва менежмент амалиётини умумлаштириш асосида агроиқтисодиётни самарали бошқариш учун зарур бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат [6].

Россиялик иқтисодчи олим Ю.Б.Королёвнинг тадқиқотига кўра қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини ошириш учун онгли равишда тартибга солиниши ҳисобланади [7].

Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ишлаб чиқариш - меҳнат, маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлиги, ходимларни бошқариш, янги техника ва технологияларни бошқариш, инвестиция самарадорлигини ошириш каби масалалар мужассам. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда асосий эътиборни ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришга қаратиш энг муҳим вазифадир.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Қишлоқ хўжалиги ва аргосаноат тармоқларида менежментни шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланган хорижлик ва Ўзбекистонлик олимларининг илмий ишлари, ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий ва статистик таҳлил, кузатиш, каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш, томорқалардан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Мазкур амалга оширилаётган ислохотлар замирида аҳолинининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, фермерликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, унумдор ерлардан оқилона фойдаланиш каби масалалар мужассамдир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини жадал суратлар билан ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармон ва фармойишлари, чора-тадбирлар режалари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур фармонда айниқса деҳқон ва фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгиланган.

Бугунги кунда амалда фаолият кўрсатиб келаётган фермер хўжаликлари босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Республика фермерлар Кенгаши уюшмаси тақдим этган маълумотга асосан 2018 йил 1 май ҳолатига 153385та фермер хўжаликларининг 84009 таси кўп тармоқли фермер хўжалигига айтирилган.[8]

Ҳукуматимиз томонидан 2013 йилдан буён кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиб келинмоқда. Дастурда асосан кўп тармоқли фермер хўжаликларда қўшимча ишлаб чиқариш ва ихтисослаштирилган кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш режаси белгиланган. Дастурга асосан республикамиз ҳудудларида интенсив боғ, токзорлар, иссиқхона, кўчатчилик, мева сабзавотни қайта ишлаш, қорамолчилик, эчкичилик, қўйчилик, гўшти қайта ишлаш, тегирмон ва шолени тозалаш, нон ва қандолатчилик маҳсулотларини, қурилиш материалларини ишлаб чиқиш, музлатгич омборларини ташкил этиш, сервис хизматларини ташкил этиш, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик сутни қайта ишлашга истисослаштирилган кўп тармоқли фермер хўжалигини фаолияти йўлга қўйиб келинмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари томонидан 2017 йилда жами 23994та ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этилган бўлиб, 2018 йилнинг сентябрь ойи ҳолатига эса 17318 тани ташкил этмоқда. (1-жадвал)

1-жадвал

Кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлантириш дастури асосида қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этадиган фермерлар тўғрисида маълумот


№	Худуд номи	2017 йилда жами қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этадиган фермерлар сони		2018 йил сентябрь ойига қадар жами қўшимча ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этадиган фермерлар сони	
		Режа	Амалда	Режа	Амалда
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича	23 846	23 994	21 634	17 318

Манба: Республика фермерлар Кенгаши уюшмаси маълумоти асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Олиб борилган кузатувларга асосан Наманган вилояти Поп туманидаги пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган “Раис-санг” фермер хўжалиги ўз фаолият тармоғини кенгайтириш мақсадида хўжалик қошида сутни қайта ишлаш ва мебель жиҳозларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига

айланган. Хўжалик ихтиёрида 58 г. ер майдони мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш корхонасида 30 дан ортиқ ишчи-хизматчилар фаолият олиб борадилар.

Фермерлик фаолияти ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши бўлиб, улар иқтисодий манфаатдорлик тамойиллари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик асосида товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни ривожлантириши, уни сифатини яхшилаш, меҳнат ҳамда маблағни сарфлаб фойда кўриш мақсадида ташкил этилган хўжалик юрителиш шаклларида биридир. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда катта эътибор уларни тузиш, фаолият кўрсатиш ва ривожланишининг асоси бўлган хўжалик юрителишнинг қуйидаги тамойилларига қаратилган бўлиши керак:



1-расм. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда хўжалик юрителиш тамойиллари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг (1999а) маълумотларига кўра, "Қишлоқ хўжалигининг асосий фаолияти кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳисобланади, чунки у озиқ-овқат ва хомашё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ягона функцияси билан чекланмайди, шунингдек, бошқа функцияларга ҳам эга. Шунинг учун ҳам ушбу соҳа кўп тармоқли фермер хўжаликлари" - деб таъкидлайди [9]. Бу таърифда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор қаратилган. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги каби истеъмолчиларнинг хавотирларига жавоб бериши керак.

Умумий қишлоқ хўжалиги сиёсатида (САР) "Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги учун: озиқ-овқат ишлаб чиқариш, атроф-муҳит ва қишлоқ хўжалиги вазифаси каби уч хил функцияни белгилайди" - деб таъриф берган [10].

Ҳақиқатдан ҳам таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, кўп тармоқли фермер хўжаликлари биринчидан ўртача нарх, юқори сифат ва хавфсизлик билан

таъминланган маҳсулотларни етарли даражада етказиб беришни ўз ичига олади. Иккинчидан, экологик функция сифатида қишлоқ хўжалиги ландшафтини, биологик хилма-хилликни, маданий ва табиий қадриятларни ўз ичига олади. Учинчидан, қишлоқ хўжалиги функцияси, иш билан таъминланишнинг бир нечта имконияти мавжуд бўлган узоқ ёки периферик ҳудудларда қишлоқ хўжалиги фаолиятига хизмат кўрсатишни англатади.

Бизнингча кўп тармоқли фермер хўжалиги иқтисодий фойда принциплари асосида амалга ошириладиган эркин қишлоқ хўжалиги тадбиркори деб аташ мумкин.

Қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун билим, илм-фан ва технологияларни халқаро баҳолаш ташкилоти (IAATD) ва жаҳон савдо ташкилотининг қишлоқ хўжалиги бўйича битимда баён қилинганидек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммоларини кўп тармоқли фермер хўжаликларининг имкониятлари асосида ҳал этиш мумкинлигини таъкидлайдилар [11].

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ривожлантириш ва самарали фаолиятини таъминлаш авваламбор, тўғри бошқаришдан иборат бўлади. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уни бошқариш ҳам мураккаб тизим бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари ҳужжатларга мувофиқ ўз мол-мулкидан иқтисодий фойдаланиш ва ишчи жамоасини бошқаришда иштирок этади. Фермер хўжалигини тўғридан-тўғри хўжалик низомига ёки бошқа таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқариш ҳуқуқини амалга оширади. Хўжалик фаолиятини бошқариш учун эгаси (эгалари) ёки ўзи ваколат берган раҳбар бошқариш ҳуқуқига эга.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги таркибидаги муайян турдаги корхоналарни бошқариш, ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган қонунлар доирасида олиб борилади. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг объектив эҳтиёжи, ишлаб чиқаришда меҳнатни тақсимлаш жараёни ёки бошқа турдаги фаолият билан боғлиқ бўлади.

Кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариш, унинг таркибидаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ўртасида мувофиқлаштирилган ишни таъминлаш ҳамда яқуний ижобий натижага эришиш учун унинг таркибий тузилмалари фаолиятига доимий ва тизимли таъсир кўрсатади. Кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятида қуйидаги бошқарув функцияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- режалаштириш асосида фаолиятнинг мақсадларини аниқлаш, келажакда ривожланишни башорат қилиш ва корхона ходимларининг ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг фаолиятининг умумий ижобий натижасига эришиш учун индивидуал вазифаларини ишлаб чиқиш;

- хўжалиқда ишлаб чиқариш тузилмасини, иқтисодий ёки бошқа тизимни шакллантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг вазифалари, ваколатлари ва меҳнатни тақсимлаш жараёнининг умумий мақсадларига эришиш йўлида бирлаштириш;

- ходимларни умумий фаолият мақсадларига эришиш имконини берадиган ва умумий ҳаракатларни амалга оширишга, хўжалиқни ривожлантиришга ундайдиган рағбатлантириш жараёнини йўлга қўйиш;


- маълум бир давр мобайнида эришилган фаолият натижаларини аниқлаш, режалаштирилган натижалар билан эришилган натижаларни таққослаш ва режа вазифаларини тегишли даражада бажариш учун назорат олиб бориш.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятининг дастлабки босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган: бизнесга босқичма-босқич кириш; диверсификацияланган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш; моддий ресурсларни сотиб олишда асосий капитални яратиш ва ўз маблағларидан фойдаланиш учун ижара ёки лизингдан фойдаланиш; юқори малакали кадрларни жалб қилиш, бошқарув функцияларини аниқ биладиган консальтинг хизматларини талаб қилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини бошқариш вилоят ва мамлакат қишлоқ хўжалиги бошқарув тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Уни шакллантиришнинг зарурати бошқарувни бозор шароитида агросаноат комплекси замонавий ривожланишининг объектив жиҳатлари билан боғлиқ.

Кўп тармоқли фермер хўжалигида менежмент бутун бошқарув тизимининг узлуксиз амал қилиш жараёнини ифодалайди. У меҳнат жараёнининг барча хусусиятларига эга. Умуман меҳнат жараёнининг технология (қандай амалга ошириш), ташкил этиш (ким ва қандай тартибда) нуқтаи назардан тавсифлаш мумкин. Хўжаликда бошқарув жараёни мазмунининг уч жиҳатини ажратиш мумкин: техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий-ижтимоий. Техникавий жиҳатдан бу маҳсулот етиштиришни бошқариш, ишлаб чиқариш – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни, яъни хўжалик таркибидаги турли ишлаб чиқаришларнинг ўзаро таъсирини бошқариш, иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқариш, ишчи кучи ва бутун иқтисодий муносабатлар тизимига раҳбарлик қилиш, ижтимоий жиҳатдан – бу меҳнат жамоаси ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, инсонни тарбиялашдир.

Бошқарув жараёнининг технологияси бошқарув ходимлари томонидан бажариладиган операция ва тартиботлардан иборатдир. Кўп тармоқли фермер хўжалигида бошқарув фаолиятини амалга ошириш тартиби бир неча босқичларга бўлинади (2-расм).



2-расм. Кўп тармоқли фермер хўжалигида бошқарув фаолиятини амалга ошириш босқичлари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ҳар бир таъсир этишни амалга оширишдан аввал унинг мақсади аниқланиши лозим, чунки бошқарув маълум мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Бошқарув фаолиятининг кейинги босқичи менежмент жараёнидаги вазиятни ташкил этишдан иборат. У тизимнинг ҳолатини баҳолаш, уни яхшилаш йўллари излаш ёки ундаги салбий хислатларни бартараф қилиш билан боғлиқ ишларни тавсифлайди. Муаммо босқичига тизимнинг ҳозирги ҳолати, уни ривожлантириш мақсадига нисбатан у

қарама-қаршиликларни аниқлаш кўзда тутилади. Қарор қабул қилиш босқичи раҳбарнинг амалда ташкилий фаолиятига ўтишини ифодалаб, қарор қабул қилиш билан бошқариладиган тизимга таъсир ўтказилади.

Бошқарув қарорлари қанчалик илмий назарий жиҳатдан асосланган ва тадқиқотлар билан мустаҳкамланган бўлмасин, улар ғоялар даражасида қолиб кетмаслиги лозим. Келгусида юқорида таъкидлаб ўтилган “Раис-санг” кўп тармоқли фермер хўжалиги ва республика миқдорида бошқа хўжаликларида бошқарув фаолиятини амалга ошириш босқичларини амалиётга татбиқ этилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакат қишлоқ хўжалигининг маълум даражада ривожланиши таъминланмоқда. Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган чоратadbирлар аграр тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Масалани кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятини самарали бошқаришга қаратадиган бўлсак, ҳозирги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарларининг кўпчилиги бошқарув маҳоратига эга эмас. Чунки кўп тармоқли фермер хўжалиги бир турдаги фаолият билан чекланиб қолмайди. Кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаб чиқиш, сервис хизмати кўрсатиш каби масалалар мужассам экан, фаолияти доирасида агротехник тадбирларни бошқаришдан ташқари, ишлаб чиқаришни, ходимларни, технологияларни, маҳсулот сифатини ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш каби масалаларни ўз ичига олади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда хўжалик юритиш тамойиллари ва кўп тармоқли фермер хўжалигида бошқарув фаолиятини амалга ошириш босқичларини амалиётга татбиқ этиш орқали ушбу фаолиятни ривожлантириш ва хўжалик қошида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш жараёнини янада такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни тизимли бошқаришга эришилади.

Шунингдек, мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида ҳукумат қарори ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ қилиш керак ва шу асносида фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўп тармоқли фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимчалар киритиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки мазкур фаолиятни бошқаришда давлат томонидан ҳуқуқий нормаларни белгилаб берилиши, келгусида ушбу соҳани самарали фаолият юритилишида ҳуқуқий рағбатлантириш сифатида хизмат қилади.

Бизнингча кўп тармоқли фермер хўжаликларини фаолиятини йўлга қўйишда давлат томонидан имтиёзлар бериш орқали мазкур соҳани инвестициялаш, янги иш ўринларни яратиш, экспортбоб маҳсулотларни тайёрлашга эришилади. Бу ўз навбатида кўп тармоқли фермер хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни давлат томонидан бошқарилишини тартибга солади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2004 йил 26 августда янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478-сонли фармони. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz
4. Ғуломов С.С. Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.264 б.
5. Сайдахмедов О.А. Аграр соҳани бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. “Диссертация”. –Т.: 2012.12 б.
6. Умирзақов Ў.П., Тошбоев А.Ж. ва бошқа. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия. 2008. 173 б.
7. Королёв Б.Ю. и.др. Менеджмент в АПК. Учебник. Россия.: 2007. 51с.
8. Республика фермерлар Кенгаши уюшмаси маълумоти.
9. European Commission, 1999a, 1999b, The European Union is committed. <https://scholar.google.com>
10. Nedergaard, Peter (July 2006). "[The 2003 reform of the Common Agricultural Policy: against all odds or rational explanations?](#)". [Journal of European Integration](#). Taylor and Francis. 28 (3): 203–223. [doi:10.1080/07036330600785749](https://doi.org/10.1080/07036330600785749)
11. Межправительственном пленарном заседании в Йоханнесбурге (ЮжноАфриканская Республика) в 2008 г